



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 22 июнь, № 121 (6556) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кутиб олди. Қисқа мулоқотдан сўнг Хитой делегацияси Кўксарой мажмуида ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Республикасида давлат ташрифини Бухоро шаҳрини зиёрат қилишдан бошлади. Бухоро Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган қадимий ва муқаддас шаҳарларидан. Бухоро шариф буюк алломалари, бетақрор тарихий обидалари билан халқимизни, мамлакатимизни бутун дунёга танитган. Дунё аҳли, жумладан, хитойликлар Тошкент, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимиз қатори Бухоронинг ҳам жаҳонга машҳур меъ-

морий ёдгорликлари билан танишишга ошиқади. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институтининг ташкил этилгани, Хитой миллиятлар марказий университетидида ўзбек тили бўлими фаолият юритаётгани, Пекин хорижий тиллар университетида ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилгани бу борадаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан

ҳамда Ўзбекистонда хитой тили ва адабиётига, Хитойда ўзбек тили, маданияти, урф-одатларига қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Икки мамлакатнинг маданияти ва санъат намуналари Ўзбекистон ва Хитойда ўтказилаётган турли кўргазма ва маданий тadbирларда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон билан Хитойнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти Хитой халқаро

туризм ярмаркаларида мунтазам намойиш этиб келинмоқда. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Арк қалъасини бориб кўрди. Мазкур қалъа аждоқларимизнинг буюк даҳоси, мамлакатимиз илм-фанининг чуқур илдизларидан далолат беради. Олий мартабали меҳмонга ушбу обиданинг тарихи, юртимизда қадимий шаҳарсозлик, илм-фан ва хунармандлик ривожига эътиборининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Олий мартабали меҳмон қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрини кўриш бахтига муяссар бўлганидан мамнуллигини билдирди. Бухоронинг тарихий обидалари ўзбек халқининг бой маданий мероси, мумтоз меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган бу иншоот ўта аниқ симетрик ўлчамлар, гоят мураккаб геометрик ҳисоб-китоблар асосида бунёд этилган. ХХР Раиси ушбу иншоот билан танишар экан, ана шундай мўъжиза қор мақбарани барпо этган аждоқларимиз даҳосига юксак баҳо берди.

Хитой раҳбари Пойи Калон мажмуида бўлди. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислон Каримов раҳ-

намолигида миллий маданий ва маънавий қадриятларимизни, тарихий обидаларни тиклаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1997 йилда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан мазкур мажмуа тубдан таъмирланди. Масжида Калон, Минораи Калон ва Мир Араб мадрасасидан иборат бу меъморий ансамбль олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолият кўрсатиб келаётган 15 йил давомида ўзини нуфузли минтақавий тизим, самарали ва очиқ, кўп томонлама тузилма сифатида намён этди. ШХТ муваффақиятини ҳамда унинг дунёда шитоб билан ўзгариб бораётган вазиятга мослашувчанлигини таъминлаган омиллардан бири сифатида ташкилотга аъзо давлатларнинг хавфсизлик соҳасидаги умумий манфаатлари ва ўзаро наф келтирадиган иқтисодий алоқаларнинг изчил тараққиётидаги уйғунлиги тилга олинади.



ШХТ кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш йўлида

Ташкилот доирасида иқтисодий йўналишдаги ҳамкорликнинг энг муҳим масалалари, асосан, ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари (Бош вазирлар) кенгашида кўриб чиқилади. Мунтазам учрашувларнинг якуний ҳужжатларида умумбашарий ҳамда минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий муаммолари бўйича тузилма иштирокчиларининг ўзаро келишилган нуктаи назарлари акс этади, амалга оширилган ишларга баҳо берилади, янги ташаббуслар ўз ифодасини топади. 2002 йили тузилган, ташқи иқтисодий ва ташқи савдо фаолиятига масъул бўлган вазирликлар ҳамда идоралар раҳбарларининг мажлиси механизми ва катта лавозимли вакиллар комиссияси мазкур йўналишдаги амалий ишларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш масалалари ташкилот фаолият бошлаган даврдан буён ШХТ кўп тартибдаги муҳим бандлардан бири бўлиб келмоқда. Минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг асосий мақсади ва йўналишлари ҳақидаги Меморандумнинг имзоланиши ҳукумат раҳбарларининг 2001 йилдаги биринчи музокаралари якуни бўлди. 2003 йили қабул қилинган ШХТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастури 2020 йилгача ушбу йўналишдаги узоқ муддатли алоқаларнинг асосий устуворликларини белгилаб берган стратегик ҳужжат саналади. Унга мувофиқ, савдо-иқтисодий муносабатларни кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқариш ва сармоя тараққиётига, ўзаро товар айирбошлашнинг ўсишига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Мазкур дастурнинг асосий механизмлари ҳамда ҳаётга татбиқ этилиши йўналишлари уни бажариш бўйича Тадбирлар режасида ўз аксини топган. Ушбу режа 2008 йили тасдиқланган эди.

(Давоми 2-бетда.)

«Ўзбекистон ШХТга раислиги даврида кенг қамровли ишларни амалга оширди»

Эртага Тошкент жорий йилнинг асосий сиёсий тадбири — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига мезбонлик қилади. Ушбу муҳим воқеа муносабати билан қароргоҳи мамлакатимиз пойтахтида жойлашган ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитасининг директори Евгений СИСОЕВ «Жаҳон» ахборот агентлигига интервью берди.

— Евгений Сергеевич, сиз жорий йилдан эътиборан ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) ижроия кўмитасининг директори бўлиб фаолият юритмоқдасиз. Ушбу тизимдаги ишлар ва мамлакатимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни билишни истар эдик. — Меҳмондўст ўзбек заминиди бўлганим ҳамда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасидаги миссиямни бажариш — ташкилотга аъзо давлатларнинг минтақада хавфсизлик ва барқарорлик таъминлашидаги манфаатлари йўлида терроризм, айирмачилик ҳамда экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигига кўмаклашиш бўйича масъул иш-

ларим юзасидан орттирган таассуротларим ижобийдир. Дунёнинг айрим нуқталарида рўй бераётган фожиали воқеалар террорчилик ҳамда зўравонлик давлатлар ва халқлар тақдирини қандай аянчли оқибатлар қолдиришини, хавфсизлик ҳамда тараққиётга таҳдидларни аниқлаш, огоҳлантириш ва уларга тўсиқ қўйиш юзасидан ўз вақтида зарур чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш қай даражада муҳим эканлигини яққол кўрсатмоқда. Шу боис Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолияти ШХТ ҳудудида ташкилотга аъзо мамлакатларнинг барқарор ривожланиши учун зарур шароитлар таъминлашини нуктаи назардан жуда катта аҳамиятга эгадир.

(Давоми 2-бетда.)

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА махсус мухбири. Сарвар ЎРМОҶОВ олган сурат.

Ижтимоий шериклик ва амалиёт

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ваколатлари ҳамда ҳуқуқлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини мустақамлаш, уларнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги вази-фаларини кенгайтириш, фуқароларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенг таъминлашга асосланган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили ҳаётга

босқичма-босқич татбиқ этилаётди. Давлат томонидан ННТ ҳамда ОАВ лойиҳалари ва дастурларини қўллаб-қувватлаш тизими яратилгани Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қону-нининг асосий қоидаларини амалиётга жорий қилишга туртки бериб, жойларда давлат органла-ри ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорликни кучайтирапти.

(Давоми 2-бетда.)

Хозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек рассомларининг кейинги йилларда самарали ижод қилиб, янги-янги ютуқлари қўлга киритаётгани, бу соҳага қўллаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани унинг равнақи ва истиқболдан далолат беради.

Ислон КАРИМОВ



Тасвирий санъатда Ватан тараннуми

Ўзбекистон — дунёга моддий ва маънавий маданиятнинг нодир намуналарини ҳада этган қадимий тамаддун манзилли. Буюк алломалар, уста-хунармандлар, бетақрор муассирлар киндик қони тўкилган табаррук юрт. Бугунги кунда замонавий ўзбек санъати ҳамда маданиятининг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган меъморлар, рассомлар, халқ усталари ижодиди кузатилаётган ян-гича руҳ ва талқинлар ана шу қадим ҳамда бой маъ-

навий меросимиз, ўлмас қадриятларимиз, энг асосийси, истиқлол деб аталмиш улугъ неъматдан қувват олмақда. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан эътиборан, барча соҳа сингари санъатимиз ҳам тараққий эта бошлади. Давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлар ижод аҳлини, улар фаолиятини рағбатлантирувчи қудратли омилга айланди. Хусусан, Президентимиз Ислон

Каримов ташаббуси билан 1997 йилда Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил этилиши миллий санъатимизни ривожлантириш йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрлик намунаси бўлди. Ваҳолонки, бундай илмий-тасвирий академик даргоҳ камдан-кам давлатлардагина мавжуд. Хизмат юзасидан МДХ мамлакатларида ўтказила-диган мусаввирларнинг турли анжуманлари, маж-лисларида қатнашганимда, бунга кўп бор амин

бўлганман. Ана шу тadbирларда суҳбатдошларимнинг айримлари миллий тасвирий санъат ўз холига ташлаб қўйилганидан кўйиниб гапиришади. Республикаимизда эса Бадий академия, унинг тасарру-фидога муассасалар учун замонавий бинолар ажратилгани соҳа изчил ривожланаётгани, ижодкорлар, ёш истеъдодлар доимо қўллаб-қувватланаётганига хорижлик ҳамкасбларимиз хавас қилишади.

(Давоми 3-бетда.)

